

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**ЭШМАТОВ ҒАЙРАТ ХУРРАМ ЎҒЛИ**

**ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИ СЕРПУШТЛИГИГА FERULA ASSAFOETIDA  
ЎСИМЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ**

**16.00.04-Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария санитарияси,  
экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences**

**Эшматов Гайрат Хуррам ўғли**

Қоракўл қўйлари серпуштлигига *Ferula assafoetida* ўсимлигининг  
таъсири..... 3

**Эшматов Гайрат Хуррам угли**

Влияние *Ferula assafoetida* на воспроизводительную функцию  
каракульских овец..... 23

**Eshmatov Gayrat Khurram ugli**

Influence of *Ferula assafoetida* on the reproductive function of Karakul  
sheep..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**ЭШМАТОВ ҒАЙРАТ ХУРРАМ ЎҒЛИ**

**ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИ СЕРПУШТЛИГИГА FERULA ASSAFOETIDA  
ЎСИМЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ**

**16.00.04-Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария санитарияси,  
экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/V42 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.samvmi.uz](http://www.samvmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ниёзов Хаким Бакоевич**  
ветеринария фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Салимов Юнус**  
ветеринария фанлари доктори, доцент

**Юлдашов Соатбой Жиянбоевич**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ветеринария илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019 V.12.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «23» 12 соат «15<sup>00</sup>» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14281 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86).

Диссертация автореферати 2020 йил «09» 12 куни тарқатилди.  
(2020 йил «09» 12 даги № 08 - рақамли реестр баённомаси)



**Х.Б.Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

**Ш.Х.Курбанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

**Қ.Н.Норбоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда минтақамиздаги ўсимликлар флораси таркибида *Ferula L* туркумининг 96 тури аниқланган бўлиб, Ўрта Осиёда ўсадиган ушбу туркумга мансуб флоранинг 28 таси эндемик ҳисобланади. *Ferula assafoetida* ўсимлиги ҳамда қизил китобга киритилган ва йўқолиб бораётган Бухоро сунбулининг табиий ресурсларини аниқлаш ва кўпайтириш халқ хўжалигида муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.<sup>1</sup>

Дунё миқёсида охириги йилларда *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликлар ўз таркибида нафақат табиий биологик фаол моддаларни, балки терпеноид ҳамда унинг аналогларини сақловчи захира ва доривор ўсимликлар сифатида ҳам соҳа олимларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Лекин шунга қарамасдан, ушбу туркумга кирувчи ва ўз таркибида биологик фаол моддаларни сақловчи терпеноид ўсимликлар донининг ҳайвонлар репродуктив аъзоларига таъсири етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Кейинги йилларда Республикамиз олимлари томонидан *Ferula L* туркумига кирувчи Кўҳистон ковраги ер устки қисмидан эстроген таъсирга эга бўлган куфэстрол воситаси яратилган бўлсада, мавжуд адабиётларда Қизилқум ҳудудида кенг тарқалган *F.assafoetida* ўсимлиги ва донининг қорақўл кўйлар серпуштлигига таъсири тўғрисидаги илмий асосланган маълумотлар келтирилмаган. Шу боисдан, *F.assafoetida* ўсимлигининг қорақўл кўйлар серпуштлигига ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорларини ишлаб чиқиш бугунги кунда ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> мамлакатимиз чорвачилигини, айниқса қорақўлчиликни чўл регионларида ривожлантиришда чўл ва ярим чўл ҳудудларидан рационал фойдаланиб, чўл флорасида чўл озика ўсимликларининг асосий салмоғини ташкил қиладиган *Ferula L* туркумига кирувчи Қизилқум ҳудудида кенг тарқалган *F.assafoetida* ўсимлиги плантацияларини яратиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш ва амалиётга жорий этиш устувор масалалардан бири сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачилиқда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2841-сонли, 2018 йил 20 мартдаги «Республика коврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3617-сонли, 2019 йил 16 августдаги «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4420-сонли, 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилиқ тармоғини давлат томонидан

<sup>1</sup>Раҳмонкулов У. Терпеноидсодержащие растения западного Тянь-Шаня и их использование: Дис....док.биол.наук. Ташкент. 1999. -С. 10-30.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сонли қорорлари ва 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сонли, 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон республикасида Пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6059-сонли Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Ferula assafoetida* ўсимлиги геобиологияси, кимёвий таркиби ва токсикологик таъсирини ўрганиш бўйича Ўзбекистонда У.Рахмонқулов, Н.Н.Нажмитдинова, Р.М.Халилов, М.А.Маматханова, М.И.Мадрахимова, Л.Д.Котенко, Ш.Ш.Сагдуллаев, Н.Ш.Давлатов, Ҳ.Б.Ниёзов ва О.Ш.Юсуповлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Дунё миқёсида ушбу муаммо бир қатор хорижий олимлар, жумладан M.Miski, A.Ahmed, M.M Singh, A.O.Parkash, M.B.Agel, S.Al-Khalil, M.N.Abd El-Razek, A.Lhuillier, T.Motai, L.D.Kapoor, T.Kajimoto, R.Rajanikanth, O.Hofer, M.I.Nassar, Ю.М.Зимин, Л.А.Головина ва А.У.Бабековлар томонидан ўрганилган бўлиб, *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликларнинг биологияси, кимёвий тузилиши ва тиббиётдаги аҳамияти бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва илмий-амалий аҳамиятга молик натижалар олинган.

Бугунги кунда, Қизилқум ҳудудида кенг тарқалган *F.assafoetida* ўсимлигининг ҳайвонлар серпуштлигига таъсири етарли даражада тадқиқ қилинмаганлиги, жумладан, ўсимликнинг қоракўл қўйлар серпуштлигига ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ҚХА-ҚХ-2018-2019 «Экологик ва техноген омиллар таъсиридан ҳайвонлар ва паррандалар организмда юзага келадиган патологиялар, уларнинг олдини олиш чоралари ва даволашнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий давлат дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистоннинг Қизилқум ҳудудида ўсувчи *Ferula assafoetida* ўсимлигининг қоракўл қўйлар серпуштлигига таъсир этувчи миқдор ва меъёрларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*Ferula assafoetida* ўсимлиги илдизи ширасидан тайёрланган спиртли

экстрактнинг каламушларга эстроген таъсирини илмий асослаш;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қуёнлар серпуштлигига таъсирини аниқлаш;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қорақўл қўйлар гематологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қорақўл қўчқорлар уруғ ҳужайрасининг сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донини қорақўл қўйлар серпуштлигига таъсирини аниқлаш;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қорақўл қўйлар серпуштлигига ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Ўзбекистон Республикасининг Бухоро ва Навоий вилоятлари қорақўлчилик хўжаликлари шароитидаги қорақўл қўйлар ва улардан олинган қон намуналари, қорақўл қўчқорлар ва улардан олинган уруғ намуналари, каламушлар, қуёнлар, чўл худудларида ўсадиган *Ferula assafoetida* ўсимлигининг дони ва шираси.

**Тадқиқотнинг предмети.** *Ferula assafoetida* ўсимлиги дони ҳамда илдизи ширасидан тайёрланган экстрактнинг эстроген фаоллиги, ўсимлик донини истеъмол қилиши оқибатида қорақўл қўйлари организмида вужудга келувчи клинко-физиологик, гемо-морфологик, гемо-биокимёвий ва иммунологик ўзгаришлар, қўчқорлар уруғининг сифат ва миқдор ўзгаришлари, ўсимлик донининг қорақўл қўйлар серпуштлигига ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорлари.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотларда умум қабул қилинган клиник, гематологик, микроскопик, қон суртмасида лейкоформулани аниқлаш, унификацияланган гемо-морфологик, гемо-биокимёвий, фармокологик, токсикологик, иммунологик, ферментодиагностик, хирургик, овариоэктомия, электроэякуляция, ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, статистик ва биометрик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамизнинг чўл худудларида ўсадиган *Ferula assafoetida* ўсимлиги илдизи ширасидан тайёрланган спиртли экстрактнинг каламушларга эстроген таъсири аниқланган;

қуёнлар омихта емига 5% *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан қўшиб берилганда чатиштириш натижасида олинган қуён болаларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсири 10% қўшиб берилгандагига нисбатан юқори бўлиши тажрибаларда исботланган;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан қорақўл қўйларнинг омихта емига 50 граммдан қўшиб берилганда қорақўл қўйлар қонининг морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ҳамда қорақўл қўчқорлари уруғ ҳужайрасининг сифат ва миқдор кўрсаткичларига салбий таъсир этмаслиги аниқланган;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан қорақўл қўйлар ва қўчқорлар рационига 50 граммдан қўшиб бериш натижасида, уларни ўзаро чатиштириш

орқали олинган кўзилар сонига ҳамда уларнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсири аниқланган;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қоракўл кўйлар ва кўчқорлар серпуштлигига ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** кўйидагилардан иборат:

*Ferula assafoetida* ўсимлигининг илдизи ширасининг каламушларда эстроген фаолликка эга эканлиги ва омихта емига 5% *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан кўшиб беришнинг эркак ва она куёнларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган куён болаларининг сони ва маҳсулдорлигига ижобий таъсир этиши аниқланган;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан омихта емига 50 граммдан кўшиб беришнинг қоракўл кўйларнинг гемо-морфологик, гемо-биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига, кўчқорлар уруғининг сифат ва миқдор кўрсаткичларига, қоракўл кўйлар ва кўчқорларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган кўзиларнинг сони ва маҳсулдорлигига ижобий таъсири илмий асосланган;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қоракўл кўйлар ва кўчқорлар серпуштлигига ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорлари бўйича амалий тавсиянома ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, Самарқанд ветеринария медицинаси институти апробация комиссияси томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий ишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Ferula assafoetida* ўсимлиги илдизи ширасининг каламушларда эстроген фаолликка эга эканлиги, 5% *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан кўшиб берилган лаборатория хайвонлари ҳамда 50 граммдан кўшиб берилган қоракўл кўйлари ва кўчқорларини ўзаро чатиштиришдан олинган авлоднинг сони ҳамда маҳсулдорлигига ижобий таъсирини асословчи маълумотлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қоракўл кўйлар ва кўчқорлар серпуштлигига ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорларининг аниқланганлиги ҳамда унинг салбий таъсирининг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ишлаб чиқаришга илмий асосланган амалий тавсиялар берилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Ferula assafoetida* ўсимлигининг қоракўл кўйлар серпуштлигига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қоракўл кўйлар ва кўчқорлар серпуштлигига ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорлари аниқланиб, унинг

салбий таъсирининг олдини олиш чора-тадбирлари Бухоро вилояти Қоравулбозор, Ғиждувон ва Жондор туманларининг қорақўлчилик хўжаликларида жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги 02/23-281-сон маълумотномаси). Натижада қорақўл қўйлар серпуштиликка *Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг салбий таъсири камайрилиб, маҳсулдорликнинг пасайиши ва кўзиларнинг нобуд бўлишининг олдини олишга эришилган;

«Қорақўл қўйлар серпуштиликка *Ferula assafoetida* ўсимлигининг таъсири ва унинг олдини олиш бўйича тавсиянома» тасдиқланиб, Бухоро ва Навоий вилоятлари қорақўлчилик хўжаликларида қорақўл қўйлари ва кўчқорлари серпуштликка *Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорлари аниқланиб жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги 02/23-281-сон маълумотномаси). Натижада қорақўлчилик хўжаликларида қорақўл қўйлари ва кўчқорлари серпуштликка *Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг салбий таъсирининг олдини олиш имконияти яратилган;

*Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг қорақўл қўйлари ва кўчқорлари серпуштликка ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорлари бўйича ишлаб чиқилган комплекс усуллар Бухоро вилояти Қоравулбозор, Ғиждувон ва Жондор туманлари қорақўлчилик хўжаликларида жорий этилган (Республика «Қорақўлчилик» уюшмасининг 2020 йил 23 июлдаги 39/01-96-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида атрофлича муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 1 та хорижий, 4 та республика илмий журналларида, 3 та халқаро илмий конференция материаллари тўпламларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда ўсадиган *Ferula L* туркуми ўсимликларининг тоғли ва чўл ҳудудларда табиий тарқалиши ва тиббиётдаги аҳамиятига оид илмий адабиётлар таҳлили» деб номланган биринчи боби уч қисмга бўлинган бўлиб, «Ўзбекистонда ўсадиган *Ferula L* туркумининг тоғли ва чўл ҳудудларда табиий тарқалиши ва ўсиш даврлари» деб номланган биринчи қисмида Ўзбекистонда ўсадиган *Ferula L* туркумининг табиий ҳудудий тарқалишига оид илмий ишларнинг таҳлили асосида коврак турлари, уларнинг биологияси, тоғ, тоғ олди, дашт ва чўлларда тарқалишига оид дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «*Ferula L* туркуми ўсимликларининг биокимёвий таркиби, фармакологик хусусиятлари ва тиббиётдаги аҳамияти» деб номланган иккинчи қисмида олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили асосида мамлакатимизнинг тоғ, тоғ олди, дашт ва чўл шароитида кенг тарқалган *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликларнинг биокимёвий таркиби ҳамда *Ferula assafoetida* ўсимлиги табобатда қоринни дам бўлишини олдини олиш, ошқозон фаолиятини яхшилаш, ўпка инфекцияси касалликларида ишлатилиши ва коврак ўсимлигининг бошқа турларини захарли таъсири тўғрисида олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган (1-расм).



**1-расм. *Ferula assafoetida* ўсимлигининг вегетация даври**

«*Ferula L.* туркуми ўсимликларининг эстрогенлик хусусиятлари» деб номланган учинчи қисмда *Ferula L* туркумига кирувчи ўсимликларнинг эстрогенлик хусусиятлари тўғрисида хориж олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда республикаимизда ўсадиган ковракларнинг ер устки қисмидан олимларимиз томонидан яратилган эстрогенли таъсирга эга бўлган препаратлар тўғрисида маълумот берувчи кенг қўламли материаллар келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида Республикаимизнинг Қизилқум шароитида кенг тарқалган *Ferula assafoetida* ўсимлиги ва донини қоракўл қўйлари ва қўчқорлари серпуштлигига

ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Ferula assafoetida** ўсимлигини қоракўл қўйлар серпуштлигига таъсирига доир олиб борилган тадқиқотлар жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бухоро вилояти Жондор тумани А.Темур қоракўлчилик хўжалигида, Бухоро ва Навоий вилоятлари чўлларида ўсувчи *Ferula assafoetida* ўсимлигининг илдизи ширасидан тайёрланган спиртли экстрактини каламушларда эстроген фаоллигини текшириш ишлари ЎзРФА академиги С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтининг фармакология-токсикология лабораторияларида, шунингдек 2010-2020 йиллар давомида уч босқичда Самарқанд ветеринария медицинаси институти виварийсида тажрибалар амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Ferula assafoetida** ўсимлигининг лаборатория ҳайвонлари организмга таъсири» деб номланган учинчи бобида Республикамиз чўл худудларида ўсадиган *Ferula assafoetida* ўсимлиги илдизидан олинган ширасининг спиртли экстрактини каламушларда эстроген фаоллиги ва ўсимлик донининг қуёнлар серпуштлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи босқич тажрибада *Ferula L* туркумига кирувчи Бухоро ва Навоий вилоятлари чўлларида ўсувчи *Ferula assafoetida* ўсимлигининг илдизидан олинган спиртли экстрактини каламушларда эстроген фаоллигини текшириш мақсадида 24 бош овариоэктомия қилинган, массаси 180-200 г бўлган каламушларда ўрганилди. Каламушларга спиртли экстракт берилишига қадар уларнинг барчасидан ҳар куни вагинал суртма олиниб, жинсий цикл босқичларининг кечишини аниқлаш учун суртмалар текшириб борилди. Тинч босқич (диэструс) мавжуд бўлгандан кейин каламушлар тажриба остига олинди ва препарат ичирила бошланди. Препарат (экстрактнинг спиртли сувли эритмаси) оғиз орқали биринчи гуруҳга 10 мг/кг ва иккинчи гуруҳга 100 мг/кг дозасида ичирилди. Препарат ичирилгандан кейин ҳар куни барча каламушлардан вагинал суртмалар олиб бўялиб микроскоп остида текшириб борилди ва уларнинг барчасида эструс (мойиллик) босқичи мавжудлиги аниқланди, бу эса экстрактнинг эстроген таъсирга эга эканлигидан далолат беради.

*Ferula assafoetida* ўсимлиги илдизидан тайёрланган спиртли экстрактдан 10 мг/кг дозада ичирилган биринчи гуруҳ каламушларда тинчланиш (диэструс) босқичининг қайта тикланиши 4- ва 5-куни бошланган бўлса, спиртли экстрактдан 100 мг/кг дозада ичирилган иккинчи гуруҳ каламушларда эса тинчланиш босқичи кузатишнинг 6- ва 7-кунларида бошланганлиги қайд этилди.

*Ferula assafoetida* ўсимлигидан ажратиб олинган моддалар овариоэктомия қилинган каламушларга ичирилганда эстроген хусусиятига эга эканлигини намоён қилганлигини инобатга олиб, иккинчи босқич лаборатор экспериментал тажрибалари қуёнлар серпуштлигига *Ferula assafoetida* ўсимлиги донининг

таъсирини ўрганиш мақсадида ўтказилди. Бунда ўхшаш гуруҳлар тамойили асосида 5 бошдан 3 гуруҳга ажратилган 15 бош тирик вазни ўртача 3-3,5 кг бўлган урғочи қуёнларда ва 3 бошдан 3 гуруҳга ажратилган 9 бош тирик вазни ўртача 3,5-4 кг бўлган эркак қуёнларда олиб борилди.

Тажрибанинг назорат гуруҳидаги қуёнлар 30 кун давомида рациона таркибида ҳар бири 4,5 кг омихта ем қабул қилди. Бу даврда биринчи гуруҳ қуёнлари эса 4,275 кг омихта ем ва ҳар бошга 7,5 граммдан жами 225 грамм таркибида 3% кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол моддалар сақловчи *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан истеъмол қилди.

Иккинчи тажриба гуруҳи қуёнлари эса 4,05 кг омихта ем ва ҳар бошга 15 граммдан жами 450 грамм таркибида 3% кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол моддалар сақловчи *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан истеъмол қилди.

Тажрибадаги қуёнларнинг кунлик ўсиши ва тирик оғирлиги таҳлил қилинганда биринчи тажриба гуруҳидаги она қуёнларда кунлик ўсиш тажриба охирида 24 граммни ва умумий ўсиш эса 720 граммни, иккинчи тажриба гуруҳидаги она қуёнларда кунлик ўсиш тажриба охирида 19 граммни ва умумий ўсиш эса 570 граммни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида эса кунлик ўсиш 21 граммни ва умумий ўсиш эса 620 граммни ташкил этди. Биринчи тажриба гуруҳидаги эркак қуёнларда кунлик ўсиш тажриба охирида 28 граммни ва умумий ўсиш эса 840 граммни, иккинчи тажриба гуруҳи эркак қуёнларда кунлик ўсиш тажриба охирида 20 граммни ва умумий ўсиш эса 600 граммни ташкил этган бўлса, тажриба охирида кунлик ўсиш назорат гуруҳида 24 граммни ҳамда умумий ўсиш 710 граммни ташкил этди.

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, тажрибадаги ҳар бир бош ҳайвон омихта емига *Ferula assafoetida* ўсимлиги уруғидан 5% яъни 4,275 кг омихта ем ва ҳар бир бош ҳайвонга 7,5 граммдан жами 225 грамм таркибида 3% кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол моддалар сақловчи *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан истеъмол қилган, бунда ҳар бир ҳайвон организмига 6,75 грамм кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол модда ёки ҳар куни 64 мг/кг тирик вазнига тушган, қуёнларнинг умумий ҳолати, тана ҳарорати, томир уриши ва нафас олиши, озиқа ва сувга муносабати, оғирлиги, шиллик пардалар ва тери қопламасининг ҳолати каби кўрсаткичлари ҳамда маҳсулдорлигига 30 кун давомида салбий таъсир этмаслигини кўрсатди. Аммо, тажрибадаги ҳар бир бош қуён рациона таркибидаги омихта емига *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан 10% дан яъни 4,05 кг омихта ем ва ҳар бир бош ҳайвонга 15 граммдан жами 450 грамм таркибида 3% кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол моддалар сақловчи *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан истеъмол қилганда, ҳар бир қуён организмига 13,5 грамм кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол модда ёки ҳар куни 128 мг/кг тирик вазнига узоқ вақт яъни 30 кун аралаштириб бериш заҳарланиш клиник белгиларини яққол намоён қилмасида, улар тирик вазнини ва ўсишини пасайтиради, ковракнинг заҳарлилиги унинг таркибида ферулин алколоиди, айниқса этилли эфир-сирка кислотасининг 4-оксикумарини ва умбелиферонлар ҳисобига юз беради, бу эса *Ferula assafoetida* ўсимлиги дони таркибидаги кумаринлар ва бошқа биологик фаол моддаларнинг

таъсиридан ва уларнинг орган ва тўқималарда кумулятив хусусиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тажрибадаги қуёнларда морфологик текширишлар ўтказилганда, қондаги морфологик кўрсаткичлардаги асосий ўзгаришлар, рациона таркибига 10% *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан аралаштириб берилган организмга кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол моддалар тушган қуёнларда намоён бўлди.

Иккинчи тажриба гуруҳи яъни, рацион таркибига 10% *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан аралаштириб берилган қуёнлар қонида эритроцитлар миқдори тажрибанинг 30-кунда 11,1% га, лейкоцитлар миқдори тажрибанинг 5,8% га, гемоглобин миқдори 12,6% га, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги 3,4% га ва лимфоцитлар миқдори эса 3,7% га кўпайганлиги аниқланди.

Тажриба давомида рацион таркибига 10% *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан аралаштириб берилган иккинчи тажриба гуруҳи қуёнлари қонидаги морфологик кўрсаткичлар тўлқинсимон кўриниш намоён этиб, тажриба охирида лейкоцитлар сонининг, эритроцитлар чўкиш тезлигининг ва лейкоформуладаги лимфоцитлар миқдорининг кўпайганлиги, *Ferula assafoetida* ўсимлиги таркибидаги биологик фаол моддаларнинг организмга кам миқдорда тушиши ретикуло-эндотелиал системасини стимуллашидан, кўпроқ тушиши эса уни гемопоэтик функциясини пасайтиришидан ва лимфоид тўқималарда уларнинг ҳосил бўлиш жараёнидаги патологик ўзгаришлардан дарак беради.

*Ferula assafoetida* ўсимлиги дони билан бир ой давомида озиклантирилгандан кейин тажрибадаги барча қуёнлар рационадан *Ferula assafoetida* ўсимлиги дони олиб ташланди ва эркак ҳамда урғочи қуёнлар чатиштирилди.

Биринчи гуруҳ эркак қуёнлари билан биринчи гуруҳ урғочи қуёнларини чатиштирганимизда 43 бош қуён болалари олинди, иккинчи гуруҳ эркак қуёнлари билан иккинчи гуруҳ урғочи қуёнларини чатиштирганимизда 38 та қуён болалари олинди, учинчи гуруҳ эркак қуёнлари билан учинчи гуруҳ урғочи қуёнларини чатиштирганимизда 45 бош қуён болалари олинди.

Тажрибадаги биринчи гуруҳ эркак қуёнлари билан биринчи гуруҳ урғочи қуёнларини чатиштирганимизда 43 бош қуён болалари олинди. Қуён болаларидан 2 боши яхши ривожланмаган ва 8 боши нимжон ҳолда тўғилди, тўғилгандан кейин 30 кун давомида нобуд бўлган қуёнчалар сони 10 бошни ва нормал ривожланган қуёнчалар 33 бошни ташкил этиб, 30 кун давомида бир бош қуён боласининг ўртача умумий ўсиши 0,521 кг ни ва кунлик ўртача ўсиш 0,017 кг ни ташкил этди.

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ эркак қуёнлари билан иккинчи гуруҳ урғочи қуёнларини чатиштирганимизда 38 бош қуён болалари туғилди, улардан 2 боши ўлик, 2 боши яхши ривожланмаган ва 10 боши нимжон ҳолда, туғилгандан кейин 30 кун давомида нобуд бўлган қуёнчалар сони 14 бошни ва нормал ривожланган қуёнчалар 24 бошни ташкил этиб, 30 кун давомида бир бош қуён боласининг ўртача умумий ўсиши 0,502 кг ни ва кунлик ўртача ўсиш 0,016 кг ни ташкил этди.

Тажрибадаги учинчи гуруҳ эркак қуёнлари билан учинчи гуруҳ урғочи қуёнларини частиртирганимизда 45 та қуён болалари олинди, қуён болаларидан 1 боши яхши ривожланмаган ва 8 боши нимжон ҳолда тўғилди, тўғилгандан кейин 30 кун давомида нобуд бўлган қуёнчалар сони 9 бошни ва нормал ривожланган қуёнчалар 36 бошни ташкил этиб, 30 кун давомида бир бош қуён боласининг ўртача умумий ўсиши 0,517 кг ни ва кунлик ўртача ўсиш 0,017 килограммни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Ferula assafoetida** ўсимлигининг қорақўл қўйлар серпуштлигига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида таркибига 3% биологик фаол моддалар сақлаган *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан 50 ва 100 граммдан қўшиб берилган қорақўл қўйлари қонининг морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларга ва қорақўл қўчқорлари уруғининг сифат ва микдор кўрсаткичларига таъсир даражасини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари ёритилган.

Тажрибалар учун хўжалик шароитида 15 бош тана вазни 36-37 кг бўлган қорақўл қўйлари ва 9 бош вазни 40-45 кг бўлган қўчқорлар «ўхшаш жуфтликлар» тамойили асосида ҳар бир гуруҳда 5 ва 3 бошдан бўлган 2 тадан тажриба ва 1 тадан назорат гуруҳлари тузилди.


Назорат гуруҳидаги қорақўл қўйлари 30 кун давомида рациона таркибида ҳар бир бошга 9 кг омихта ем қабул қилди. Бу даврда биринчи гуруҳ қорақўл қўйлари эса 7,5 кг омихта ем ва ҳар бир бошга 50 граммдан жами 1,5 кг таркибида 3% кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол моддалар сақловчи *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан истеъмол қилди. Иккинчи тажриба гуруҳи қорақўл қўйларининг ҳар бир боши 30 кун давомида 6 кг омихта ем ва 100 граммдан жами 3 кг *Ferula assafoetida* ўсимлиги дони қабул қилди.

Рациона таркибига ҳар бошга 50 граммдан *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан қабул қилган биринчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида тажриба давомида клиник текширишлар олиб борилганда уларнинг умумий ҳолати, тана ҳарорати, томир уриши ва нафас олиши, озиқа ва сувга муносабати, оғирлиги, шиллик пардалар ва тери қопламасининг ҳолати каби кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонларниқидан фарқ қилмаганлиги қайд этилди.

Рациона таркибига ҳар бир бошга 30 кун давомида 100 граммдан *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан қўшиб берилган иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида тажриба давомида клиник текширишлар олиб борилганда, *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан 30 кун аралаштириб бериш захарланишга хос клиник белгиларни яққол намоён қилмасида, улар тирик вазнини ва ўсишини пасайтириши унинг таркибидаги биологик фаол моддаларнинг таъсиридан ва уларнинг орган ва тўқималарда кумулятив хусусиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тажрибадаги ҳайвонларда кунлик ва умумий ўсиш таҳлил қилинганда, биринчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда кунлик ўсиш тажриба охирида 230 граммни ва умумий ўсиш эса 6,9 кг ни ташкил этди. Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида тажрибанинг 30 кунида 217 граммни ва умумий ўсиш эса 6,5 кг ни ташкил этган бўлса, тажриба охирида назорат гуруҳида 220 граммни ва умумий ўсиш эса 6,6 кг ни ташкил этди.

Қоракўл кўйлари қонидаги морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгариши улар рациондаги *Ferula assafoetida* ўсимлиги донини миқдорининг ошиши билан характерланиб, бунда асосий ўзгаришлар иккинчи тажриба гуруҳидаги қоракўл кўйларида намоён бўлиб, қондаги эритроцитлар сони тажриба охирида  $6,8 \pm 0,08$  млн./мкл (10,6%) га, гемоглобин миқдори  $100 \pm 1,0$  г/л (7,5%) га, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги  $6,4 \pm 0,08$  мм дақиқа/соат (14,7%) га камайганлиги, ҳамда лимфоцитлар нисбий миқдори  $56 \pm 0,53\%$  (16,6%) га ва лейкоцитлар миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан  $7,6 \pm 0,08$  минг/мкл (20,6%) га ошганлиги қайд этилди (2-расм). Қон зардобидаги умумий оқсил миқдори тажриба давомида камайиб бориб, тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан умумий оқсил миқдори  $66 \pm 0,61$  г/л (10,9%) га, альбуминлар миқдори  $46,6 \pm 0,57\%$  (5,6%) га, гамма-глобулинлар  $16,9 \pm 0,27\%$  (13,7%) га камайганлиги ҳамда алфа-глобулинлар миқдори  $17,6 \pm 0,44\%$  (17,3%) га ва бета-глобулинлар миқдорининг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан  $18,4 \pm 0,27\%$  (15%) га кўпайганлиги қайд этилади ( $p < 0,05$ ).



2-расм. Иккинчи гуруҳ қоракўл кўйлар қонининг морфо-биокимёвий кўрсаткичлари

Тажриба давомида иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари қонидаги морфологик кўрсаткичлар тўлқинсимон кўринишни намоён этиб, тажриба охирида лейкоцитлар сонининг кўпайиши ва эритроцитлар чўкиш тезлигининг камайиши қайд этилди. Бундан ташқари, тажриба охирида лейкоформуладаги

лимфоцитлар миқдорининг кўпайганлиги *Ferula assafoetida* ўсимлиги таркибидаги биологик фаол моддаларнинг организмга кўпроқ тушиши гемопоестик функциясини пасайтиришидан далолат беради.

Умумий оқсил миқдори ва оқсил фракцияларининг яққол ўзгариши ҳам асосан 100 грамм *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан берилган қоракўл қўйлари қон зардобда намоён бўлиб, бунда умумий оқсил миқдорининг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан камайиши, асосан албуминлар ва гамма – глобулинлар ҳисобига рўй бериши натижасида жигар функциясининг бузилишидан ва организмнинг табиий ва орттирилган резистентлигининг пасайишидан далолат беради.


Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари қонидаги морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришлари қондаги ферментларнинг ўзгаришида ҳам намоён бўлиб, аспаратаминотрансфераза фаоллиги тажрибанинг охирида  $0,68 \pm 0,01$  мкмоль.с/мл (62%) га, аланинаминотрансфераза фаоллиги  $0,97 \pm 0,01$  мкмоль.с/мл (59%) га, бетта-липопротеид миқдори  $1,35 \pm 0,1$  мг% (68,5%) га ва холестерин миқдори эса  $7,5 \pm 0,07$  ммоль/л (38,8%) га ( $p < 0,05$ ) ошганлиги жигар тўқимасининг нобуд бўлиши билан боғлиқдир. Бу ферментлар жигар цитоплазмасида кўпроқ сақланади ва улар паренхимасининг бузилиши оқибатида ферментлар миқдорининг қонда кўпайишига сабаб бўлади.

Ҳар бир бош қоракўл қўйларига 30 кун давомида 100 граммдан *Ferula assafoetida* ўсимлик донидан берилган иккинчи тажриба гуруҳи қоракўл қўйлари қонида Т-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичи  $54 \pm 0,61$  (11,5 %) га, Т-лимфоцитларнинг мутлоқ миқдори  $1,0 \pm 0,13$  минг/мкл (16,7%) га, В-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичи  $10 \pm 0,31$  (24,3%) га, В-лимфоцитларнинг мутлоқ миқдори  $0,30 \pm 0,01$  минг/мкл (40 %) га, А-иммуноглобулинлар миқдори  $165 \pm 1,06$  мг/мл (5,2%) га, М-иммуноглобулинлар миқдори  $170 \pm 0,75$  мг/мл (15%) га камайганлиги, G-иммуноглобулинлар миқдорининг  $1350 \pm 1,54$  мг/мл (11,5%) га ( $p < 0,05$ ) ошганлиги таркибида биологик фаол моддаларни сақлаган *Ferula assafoetida* ўсимлиги дони таркибидаги айрим биологик фаол моддалар организмни иммун тизимини пасайтиришидан далолат беради (3-расм).

Тажрибадаги назорат гуруҳидаги қўчқорлар 30 кун давомида ҳар бир бош қўчқор рацион таркибида 9 кг омихта ем қабул қилди. Бу даврда биринчи гуруҳ қўчқорлари 7,5 кг омихта ем ва 1,5 кг таркибида 3% кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол моддалар сақловчи *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан истеъмол қилди. Иккинчи тажриба гуруҳи қўчқорларининг ҳар бири 30 кун давомида 6 кг омихта ем ва ҳар бир бошга 100 граммдан жами 3 кг *Ferula assafoetida* ўсимлиги дони қабул қилди.

Рацион таркибига 7,5 кг омихта ем ва ҳар бошга 50 граммдан жами 1,5 кг таркибида 3% кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол моддалар сақловчи *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан истеъмол қилган, биринчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида тажриба давомида клиник текширишлар олиб борилганда уларнинг умумий ҳолати, тана ҳарорати, томир уриши ва нафас олиши, озиқа ва сувга муносабати, оғирлиги, шиллиқ пардалар ва тери қопламасининг ҳолати

каби кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонлариникидан фарқ қилмаганлиги қайд этилди.



3-расм. Иккинчи гуруҳ қорақўл қўйлар қонининг иммунологик кўрсаткичлари

Рацион таркибидаги ҳар бир бошга 30 кун давомида 6 кг омихта ем ва 100 граммдан жами 3 кг таркибида 3% кумарин, терпен ва бошқа биологик фаол моддалар сақловчи *Ferula assafoetida* ўсимлиги донидан истеъмол қилган иккинчи тажриба гуруҳи қўчқорларида тажриба давомида клиник текширишлар олиб борилганда, узоқ муддат 30 кун давомида *Ferula assafoetida* ўсимлиги дони аралаштириб бериш заҳарланиш клиник белгиларини яққол намоён қилмасда, овқат қабул қилиши, ташқи муҳит таъсуротларига жавоб реакцияси, тирик вазни ва ўсишини пасайтирганлиги аниқланди.

Тажрибадаги қўчқорларнинг кунлик ўсиш ва тирик оғирлиги таҳлил қилинганда биринчи тажриба гуруҳидаги кунлик ўсиш тажриба охирида 243 граммни ва умумий ўсиш эса 7,3 кг ни ташкил этди. Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида 30 кун давомида ўртача кунлик 223 граммни ва умумий ўсиш 6,7 кг ни ташкил этган бўлса, тажриба охирида назорат гуруҳида кунлик ўсиш 230 граммни ва умумий ўсиш 6,9 кг ни ташкил этди .

Тажрибагача ва тажриба давомида тажрибадаги қўчқорларнинг клиник белгилари, овқат қабул қилиши ва ташқи муҳит таъсуротларига жавоб реакцияси ўрганиш билан бирга, электроэякулятор ёрдамида уруғ қабул қилгичда уруғ олиниб унинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўрганилди.

Қорақўл қўчқорларидаги уруғнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши улар рационидagi *Ferula assafoetida* ўсимлиги донини миқдорининг ошиши билан характерланиб, бунда асосий ўзгаришлар иккинчи тажриба гуруҳидаги қорақўл қўчқорларида намоён бўлиб, бу гуруҳ ҳайвонларининг эякулят ҳажми, тажрибанинг 10-кунида  $0,97 \pm 0,02$  мл (11,9%) га камайган бўлса, тажрибанинг 15-кунида  $0,90 \pm 0,01$  мл 18,2% га ва 20-кунида  $0,85 \pm 0,01$  мл

